Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2025 ЙИЛ — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2025 йил 13 август, № 164 (9059) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!

СУВ РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ ВА ИРРИГАЦИЯ СЕКТОРИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришга оид таклифлар тақдимоти билан танишди.

Сув танқис бўлган минтақамизда уни қадрлаш ва тежаш жуда долзарб масала. Ўзбекистонда бунга доимий эътибор қаратилиб, суғориш тармоқлари таъмирланмоқда, сув тежовчи технологиялар жорий қилинмоқда.

Хусусан, 2020 — 2024 йилларда шу мақсадларга 60 триллион сўм бюджет маблағлари ҳамда 622 миллион доллар хорижий инвестиция йўналтирилган. Натижада 2020 йилда сув тежовчи технологиялар қўлланган майдонлар жами суғориладиган майдонларга нисбатан 4 фоизни ташкил этган бўлса, 2025 йилга келиб бу кўрсаткич 50 фоизга етган.

Энди бу ишларнинг изчил давоми сифатида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2025 — 2028 йилларга мўлжалланган дастури ишлаб чиқилди.

Тақдимотда мутасаддилар унда назарда тутилган чора-тадбирлар тўғрисида ахборот берди.

Дастурда сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга устувор аҳамият қаратилган. Шу мақсадда 2 минг 551 километр ирригация тармоқлари реконструкция қилиниши белгиланган. Насос станцияларидаги эски ускуналарни тежамкорига алмаштириш орқали уларнинг йиллик электр энергияси истеъмолини 6,8 миллиард кВт/соатдан 6,2 миллиард кВт/соатгача камайтириш мўлжалланган.

Ерларнинг ҳолати ҳам сув сарфида муҳим омил ҳисобланади. Шу боис дастурда сув таъминоти паст бўлган суғориладиган майдонларни 424 минг гектардан 276 минг гектаргача камайтириш кўзда тутилган. Турли даражада шўрланган ҳамда ер ости сувининг сатҳи муаммоли бўлган майдонлар ҳам камайтирилади. Натижада фойдаланишдан чиқиб кетган 460 минг гектар ер экишга қайтарилади.

Яна 1 миллион 400 минг гектар ерда сув тежовчи, шу жумладан, 293 минг гектарда томчилатиб суғориш технологияси жорий этилади. 20 та йирик иншоотда назорат-ўлчов ускуналари модернизация қилинади.

Сув ҳисобини юритишда инсон омилини камайтириш ҳам муҳим. Бу борада 12 мингта мелиоратив кузатув қудуғида ҳамда 1 минг 750 та насосда замонавий мониторинг йўлга қўйилади. 12 та йирик сув хўжалиги иншооти рақамли технологиялар асосида автоматлаштирилган бошқарувга ўтказилади.

Умуман, дастур натижасида бетон қопламали каналлар улуши ҳозирги 39 фоиздан 47 фоизга етади. Ирригация тармоқларининг сифати ошиб, йўқотишлар камаяди. Тежамкорлик ҳисобига бу йил 10 миллиард кубометр, 2028 йилга бориб 14 миллиард кубометр сув иқтисод қилиниши кутилмоқда.

Давлатимиз раҳбари бу таклифларни маъқуллаб, Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2025 — 2028 йилларга мўлжалланган дастурини тасдиқлади.

Тақдимотда, шунингдек, соҳада самарадорликни ошириш, рақамлаштириш, хусусий сектор иштирокини кенгайтириш борасидаги ишлар тўғрисида ҳам ахборот берилди.

Ҳозирги кунда вилоятлар, туманлар ва хўжаликлар миқёсидаги 18 минг 755 та гидропостни автоматлаштириш бошланган. Кейинги босқич далаларга сув тақсимловчи нуқталарда режалаштирилган.

Сув хўжалигини рақамлаштириш масаласига алоҳида тўхталиб ўтилди. Соҳага дахлдор идоралардаги 11 та дастурни интеграция қилиб, ягона платформа ишлаб чиқиш, IT-марказ ва Вазиятлар маркази ташкил этиш бўйича топшириқ берилди. Бунда "Ўзбеккосмос" имкониятларидан кенг фойдаланилади.

5 минг 200 та насосни электр ва сув ҳисоблагичлар билан жиҳозлаш, йирик насосларни муқобил энергияга ўтказиш вазифаси қўйилди. Бунда олинадиган маълумотлар рақамли платформада жамланади, сувнинг иқтисодий самарадорлиги таҳлил қилиб борилади.

Бугунги кунда 2 минг 612 та сув объекти давлат-хусусий шерикликка берилган. Энди йирик насослар ҳам хусусий секторга таклиф қилинади. Уларнинг ҳар бири учун алоҳида жозибадор шартлар ишлаб чиқилади.

Ўтган йили туман ирригация бўлимлари негизида 159 та "Сув етказиб бериш хизматлари" давлат муассасаси ташкил қилинган эди. Ушбу қўйи бўғин фаолиятини яхшилаш мақсадида энди уларга ўз маблағини мустақил тақсимлаш ҳуқуқини бериш кўзда тутилмоқда.

Соҳада хизматларни яхшилаш ва самарадорликни таъминлаш мутахассислар тажрибасига ҳам боғлиқ. Шу мақсадда 200 ўринли малака ошириш маркази ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Президентимиз соҳага оид меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш, сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, жамиятда сувни тежаш маданиятини кучайтириш бўйича кўрсатмалар берди.

СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ БЎЙИЧА ФИКР АЛМАШИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 август куни Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди билан телефон орқали мулоқот қилди.

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Бош вазир ва дўст Ҳиндистон халқини яқинлашиб келаётган миллий байрам — мамлакат Мустақиллиги куни билан самимий табриклаб, тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равнақ тилади.

Ўзбекистон — Ҳиндистон стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Эришилган келишувларга мувофиқ амалий ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётгани, турли даражаларда фаол ва сермаҳсул мулоқотлар давом этаётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Жорий йил бошидан товар айирбошлаш 60 фоизга ошди, 40 га яқин янги қўшма корхона ва кооперация лойиҳалари ишга туширилди. Ҳиндистоннинг етакчи компаниялари билан амалга оширилаётган истиқболли лойиҳаларнинг жорий портфели икки миллиард долларга етди. Ўзбекистонда Ҳиндистон университетларининг тўртта филиали муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Етакчилар фармацевтика ва кимё саноати, рақамли иқтисодиёт, энергетика, кончилик, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, туризм ва бошқа йўналишларда кооперация лойиҳаларини илгари суриш ва амалга оширишга алоҳида эътибор қаратдилар.

«Шимол-Жануб» йўлаги доирасида самарали транспорт-транзит йўналишларини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йиғилишини Тошкент шаҳрида самарали ўтказиш муҳимлиги қайд этилди. Маданият ва кино кунларини ўзаро ташкил этиш, ҳудудлар даражасида алмашинувларни фаоллаштириш таклиф қилинди.

Ўзбекистон Президенти ва Ҳиндистон Бош вазири минтақавий кун тартиби юзасидан ҳам фикр алмашдилар ҳамда бўлажак олий даражадаги тадбирлар режасини кўриб чиқдилар.

ЎзА.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 34 йиллигига

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

ОРЗУ-УМИДЛАР РЎЁБИ ВА ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧ

Истиқлол — давлатимиз сиёсий ва иқтисодий эркинлигининг кафолати, унинг халқаро ҳамжамиятда муносиб ўрин эгаллашини таъминлайдиган олий қадрият, миллий ўзлик ва эркинлик сари қўйилган дадил қадам. У халқимиз орзу-умидлари рўёби, нурли истиқболимиз маёғи, эртанги кунга бўлган ишонч ва имкониятдир.

Мана, саккиз йилдирки, юртимизда инсон қадрини улуғлаш, шаҳар ва қишлоқлар қиёфасини замонавийлаштириш асосида халқимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш, ҳаётдан рози бўлиб умргузаронлик қилиши учун ғамхўрлик кўрсатиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, суд-ҳуқуқ тизими борасидаги ислоҳотлар замирида ҳам инсон манфаатлари турганлиги бунинг яққол исботидир. "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари, "Янги Ўзбекистон" уй-жой мавзелари, саноат зоналари, инновацион шаҳарлар барпо этилиши халқимиз ҳаётини фаровонлаштириш йўлидаги эзгу ишлардандир.

Бу борада Қашқадарёда амалга оширилган ишларга назар ташлайдиган бўлсак, кейинги йилларда вилоятда тадбиркорлик ривожланиб, аҳоли бандлиги ортди. Воҳанинг туман ва шаҳарларида IT-парклар, тадбиркорлик марказлари, саноат кластерлари яратилди.

➡2

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАР ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИЛАДИ

Олий Мажлис Сенатида Мўғулистон Буюк Давлат Хурали аъзоси, Бюджет бўйича доимий қўмита вакили Цэрэнпил Даваасурэн бошчилигидаги парламент делегацияси билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашув

Мулоқотда Ўзбекистон билан Мўғулистон ўртасидаги кенг қамровли шериклик алоқалари кўп асрлик дўстлик муносабатларига, ўзаро яқин савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликка асосланганлиги таъкидланди.

Икки мамлакат раҳбарларининг сиёсий иродаси ва ишончи давлатлараро муносабатларнинг янада ривожланиши ва мустаҳкамланишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Мўғулистон Буюк Давлат Хурали билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро дўстлик гуруҳи фаолиятининг самарадорлигини ошириш ҳамда олий даражада эришилган келишувларнинг бажарилиши устидан биргаликдаги парламент назоратини йўлга қўйиш юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

➡2

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

АҲОЛИ МАНФААТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ ВА ХАЛҚЧИЛ НОРМАЛАР

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда сунъий интеллектни қўллаш орқали юзага келадиган муносабатларни тартибга солиш, ҳакамлик судлари фаолиятини янада такомилига етказиш, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш, электрон тижорат соҳасини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳалари атрофлича кўриб чиқилди.

Сунъий интеллект: инсон қадр-қимматига путур етказмаслик талаблари белгиланмоқда

Бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган — сунъий интеллектни қўллаш орқали юзага келадиган муносабатларни тартибга солишга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳасида "сунъий интеллект" тушунчаси, сунъий интеллектни жорий этиш ва ривожлантиришга оид давлат сиёсатининг асослари, махсус ваколатли орган вазифалари, ахборот ресурсларини яратишда ҳамда ахборот тизимлари ишида сунъий интеллектдан фойдаланишнинг умумий ҳуқуқий асослари белгиланмоқда.

➡3

ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАДОРЛИГИНИ ОШИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛУВЧИ ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР

Президент Шавкат Мирзиёев Бухоро вилоятида ислоҳотлар натижадорлиги ва янги лойиҳалар муҳокамаси юзасидан йиғилиш ўтказди.

Илгари бу ҳудуд иқтисодиёти саноқли тармоқлар билан чекланган эди. Сўнгги саккиз йилда вилоятга 8 миллиард долларлик ортиқ инвестиция жалб этилиб, иқтисодиёт таркиби кенгайди. Биргина саноат соҳасида 6 мингта янги корхона очилди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 6 баробардан зиёд ошди.

Туризм инфратузилмаси яхшиланиб, янги масканлар ташкил этилди. Нуфузли меҳмонхона брендлари кириб келди. Йиллик сайёҳлар сони 1 миллион 700 минг нафарга етди.

Ўзбекистон Президентининг 2024 йил 5 декабрдаги қарори билан Бухоро вилоятида саноат ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланган эди. Натижада жорий йил 6 ойда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 7,3 фоизга ошди. 198 та янги саноат корхонаси ташкил топди. Ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 6,4 фоизга ўсди.

Давлатимиз раҳбари ташаббусига мувофиқ тузилган "Ислоҳотлар штаби" Бухорода ҳам қўшимча имкониятларни юзага чиқармоқда. Тақдимотда мутасаддилар ана шундай янги лойиҳалар тўғрисида ахборот берди.

Масалан, туркиялик тадбиркорлар Пешку туманида графит қазиб олиш ва қайта ишлашга қизиқиш билдирган. Вьетнам компанияси замонавий тураржой, Ҳиндистон корхонаси жарроҳлик маркази қуришни режалаштирган. 217 гектар майдонда 260 та лойиҳани амалга ошириб, 10 мингдан ортиқ иш ўринлари яратиш мўлжалланган.

Умуман, вилоятда 1 миллиард 700 миллион долларлик 21 та янги лойиҳа шакллантирилган. Уларнинг натижасида 32 минг иш ўрни, 180 миллион долларлик экспорт имконияти очилиши кўзда тутилган.

Президентимиз ҳудуд иқтисодиётини ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича қўшимча имкониятларни кўрсатиб ўтди.

Хусусан, Пешку туманида аҳолига ижарага берилган ерларда арзон иссиқхоналар қуриб, экспортбоп экинлар етиштириш йўлга қўйилган. Бу тажрибани оммалаштириб, вилоят бўйича қўшимча 5 минг хонадонда шундай иссиқхоналар ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Шофиркон, Ғиждувон, Пешку ва Бухоро туманларидаги 10 минг гектарда узум, Вобкент, Ғиждувон, Жондор, Ромитан ва Когонда 5 минг гектарда ўрик, гилос, анжир каби экспортбоп мева боғларини барпо қилиш бўйича топшириқ берилди.

Бухоронинг қадим зиёратгоҳлари машҳур. Лекин сайёҳларни кўп вақт олиб қоладиган йирик мажмуалар йўқ. Хорижлик инвесторларни жалб этиб, савдо ва кўнгилочар парк очиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Яна бир катта йўналиш — саноат. Вилоятда 2 та йирик нефть-газ корхонаси бор, яна бири барпо этиляпти, 10 та йирик қўёш ва шамол станциялари қурилиши жадаллашган. Бу мажмуалар атрофида кичик-кичик корхоналарни жойлаштириб, инвестиция, саноат ва экспорт ҳажмини ошириш мумкинлиги айтилди.

Бухоро вилояти ва туман ҳокимлари аҳоли учун даромад манбаларини кўпайтириб, камбағаллик ва ишсизликни камайтириш бўйича режаларини баён қилди.

ЎзА.

ҲАРБИЙ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИДА МУТЛАҚО ЯНГИ БОСҚИЧ

Шундай масалалар борки, йиллар ўтсада аҳамиятини йўқотмайди, ўз ўрнида, доимий такомилни тақозо этади. Шулардан бири — таълим, янада аниқроғи, ҳарбий таълим билан бевосита боғлиқ.

Бугунги кунда мамлакатимизда ҳарбий таълим тизимини такомиллаштириш, бунга ихтисослаштирилган ўқув муассасаларида зарур шарт-шароитларни яратган ҳолда ёшларни Ватанга садоқатли, маънавий-ахлоқий жиҳатдан баркамол, жисмонан соғлом ва интеллектуал салоҳиятли кадрларни тайёрлашга устуворлик берилаётир. Бу бежиз эмас. Зеро, сарҳадлар дахлсизлиги, юрт тинчлиги ва фаровонлиги ана шундай ҳарбийлар салоҳиятида намоён бўлади.

Бизнинг интервью

Яқинда давлатимиз раҳбари, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев айнан мана шу масала — ҳарбий таълим тизимини такомиллаштиришга оид таклифлар тақдимоти билан танишиб, галдаги устувор вазифаларни белгилаб берди.

Хўш, тақдимотда қандай масалалар кўтарилди, ҳарбий таълим тизимида қандай янгиликлар кўзда тутилмоқда? Умуман, ушбу йўналишда қилинаётган ишлар тенденциялари нималарда акс этмоқда?

Шу каби саволларга жавоб олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университети бошлиғининг биринчи ўринбосари, генерал-майор Фарҳоджон ШЕРМАТОВ фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

➡2

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2025 йил 13 август

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАР ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИЛАДИ

1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг Мўғулистонга давлат ташрифи давомида эришилган келишувлар доирасида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаларида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ҳамда тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш парламентлараро гуруҳнинг ҳам вазифаси эканлиги таъкидланди.

Бундан ташқари, учрашувда парламентлараро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, уни янги мазмун билан бойитиш, қонун ижодкорлиги соҳасида ўзаро тажриба алмашиш масалалари бўйича ҳам сўз юритилди.

«Халқ сўзи».

Сенатор сўрови

ХОТИН-ҚИЗЛАРГА НИСБАТАН ЗЎРАВОНЛИК ҲОЛАТЛАРИНИНГ КЎПАЙИШ САБАБЛАРИ НИМАДА?

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси М. Қодирхонова Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси Зулайҳо Маҳкамова номига сенатор сўрови юборди.

У мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларини бартараф этиш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан юборилган.

Сенатор таъкидлаганидек, қабул қилинган қонунлар ва чораларга қарамай сўнгги йилларда аёлларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатлари ошиб бормоқда. Статистик маълумотларга кўра жорий йилнинг биринчи ярмида республика бўйича 48 303 та тазйиқ ва зўравонлик ҳолати қайд этилган бўлиб, бу ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 121 фоиз кўпдир.

Энг кўп ҳолатлар Тошкент (9 414 та), Бухоро (5 612 та), Қашқадарё (5 268 та) ва Андижон вилоятларида (4 808 та) қайд этилган. Шу даврда 930 нафар аёлга такрорий ҳимоя ордерлари берилган.

Сенатор сўровида қўмита ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан тазйиқ ва зўравонликка олиб келувчи сабабларни аниқлаш, профилактик ишларни кучайтириш, ваколатли органлар билан ҳамкорликни ривожлантириш ва маҳаллаларда хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликка муросасизлик муҳитини шакллантириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар юзасидан асослантирилган тушунтириш тақдим этиш сўралган.

«Халқ сўзи».

ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАРДА ЁШЛАРНИНГ РОЛИ ВА ИМКОНИЯТЛАРИ

12 август — Халқаро ёшлар куни муносабати билан Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари учун БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси (UNFPA) томонидан "Ёшларнинг демографик жараёнлардаги роли ва имкониятлари" мавзуида ўқув семинари уюштирилди. Тадбирда Ёшлар парламентининг 40 нафар аъзоси қатнашди.

Семинар

Ўқув-семинарни Ёшлар парламенти раиси Лайло Аслонова кириш сўзи билан очиб, ёшларнинг демографик барқарорлик жараёнида фаол иштироки бўйича ўз фикрларини билдирди.

Ўз навбатида, UNFPAнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари ўринбосари Матлуба Умурзоқова ёшларга оид сиёсат ва демографик барқарорликка доир давлат дастурлари ҳамда ёшларни қўллаб-қувватлашнинг долзарб йўналишлари ҳақида маълумот берди.

Семинар доирасида демографик барқарорлик, ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишдаги ўрни, шунингдек, ёшлар сиёсатининг барқарор ривожланишга таъсирига оид асосий масалалар кўриб чиқилди.

Тадбирда демографик дивиденддан самарали фойдаланиш ҳамда демографик барқарорлик стратегияси масалалари ҳам муҳокама қилинди.

«Халқ сўзи».

ҚОНУНЛАРНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ ТУШУНТИРИЛДИ

Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси ўринбосари Сайёра Абдикаримова Хоразм вилоятида жамоатчилик вакиллари билан учрашди.

Унда парламент юқори палатасининг тўққизинчи ялпи мажлисида қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳияти ҳақида фикр юритилди.

Сенаторлар — ҳудудларда

Хусусан, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, вояга етмаганларга нисбатан жиноий жавобгарликни либераллаштиришга доир қонунлар, шунингдек, ҳудудларда инфратузилмани ривожлантириш ва қурилишларни тартибга солиш, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижро этиш масалалари муҳокама марказида бўлди.

Бундан ташқари, Сенат томонидан доривор ўсимликларни етиштириш, қайта ишлаш, уларга квота ажратиш ҳамда соҳада илмий тадқиқотлар олиб бориш юзасидан юборилган парламент сўровининг аҳамиятига эътибор қаратилди.

Мулоқотда маҳаллий Кенгаш депутатларининг фуқаролар билан доимий алоқада бўлиши, юзма-юз учрашувлар орқали қонунчиликдаги янгиликлардан аҳолини хабардор қилиши ва уларнинг амалдаги ижросини таъминлашда фаол иштирок этиши зарурлиги алоҳида таъкидланди.

«Халқ сўзи».

ОРЗУ-УМИДЛАР РЎЁБИ ВА ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧ

1 Мактаб, боғча ва тиббиёт муассасалари қурилди, транспорт ва коммуникация инфратузилмалари яхшиланди. Вилоятда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, экспорт салоҳиятини ошириш, камбағалликни қисқартиришга қаратилган лойиҳалар ижроси учун 2 млрд. доллардан ортиқ сармоя жалб қилинган. 565 мингта янги иш ўрни ташкил этилиб, 90 минг нафардан зиёд аҳоли камбағалликдан чиқарилди.

Бундан саккиз йил муқаддам Қашқадарё саноати ҳақида гап кетса, фақат нефть ва газ корхоналари тилга олинар эди. Ислоҳотлар натижасида бугун электротехника, қурилиш материаллари, мебелсозлик тармоқларининг саноатдаги улуши 54 фоизга етди. Президентимизнинг вилоятга ташрифи чоғида Шаҳрисабз, Яккабоғ ва Кўкдалада ишга туширилган лойиҳаларни барча туманларга татбиқ этиш, кейинги беш йилликда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмини 10 млрд. долларга етказиш вазифаси юклатилди.

Бугун воҳада 23 554 та тадбиркорлик субъекти фаолият олиб бормоқда. Ўтган олти ой мобайнида улар сафига яна 1700 нафар тадбиркор қўшилди. "Ёшлар бизнеси" дастурига асосан олийгоҳ битирувчиларини "Келажакка қадам" дастури билан қамраб олиш орқали улар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш ва иш билан таъминлашга кўмаклашиш борасида амалий ишлар бошлаб юборилган. Йил охирига қадар 70 минг 544 нафар йигит-қиз бандлигини таъминлаш режалаштирилган. Ҳозирга қадар уларнинг 40 минг нафардан кўпи ишли бўлди.

Яна бир мисол. Бу йил вилоятда мактаб, техникум ва олий ўқув юртини битирувчилар сони 73 323 нафарни ташкил этди. Шундан 21 768 нафари таълимнинг кейинги босқичига жалб қилинди. 51 567 нафарининг бандлиги таъминланди. 6 819 нафарига такрорий экин экиб даромад олиши учун ер майдони ажратилди. 1 540 нафарига эса субсидия ва 5 697 нафарига имтиёзли кредит ажратилиб, 17 647 йигит-қизнинг ўзини ўзи банд қилиши режалаштирилган.

Янги Ўзбекистон бунёдкорлари бўлган ёшларимизнинг иқтидорини намоён этиши, билим ва касб-ҳунар ўрганиши, бандлигини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар қилинмоқдаки, улар ўзларини адолатли муҳит ҳукмрон бўлган, халқ давлатнинг асосий бойлиги сифатида эъзозланадиган мамлакат фуқаролари эканликларини дилдан ҳис этмоқда.

Камбағалликни қисқартириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш ва тадбиркорликни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратиш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат дастурлари ўз самарасини берди.

Ислоҳотлар бардавомлиги йўлида курашиш, мустақиллигимизни кўз қорачиғидек асраш, уни мустаҳкамлаш учун барчамиз — ким бўлишимиз ва қайси лавозимда ишлашимиздан қатъи назар, жонбозлик кўрсатишимиз керак. Ана шундагина ҳар бир юртдошимиз иккиланмасдан мустақилликни мустаҳкамлаш учун ўз ҳиссамни қўша олдим деб айтишга ҳақли бўлади.

Шуҳрат АСЛАНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси.

Қулайлик

Фарғоналиклар савдо ярмаркалари фаолиятидан мамнун

Энг улуғ, энг азиз байрам — истиқлолимизнинг 34 йиллигини муносиб кутиб олиш мақсадида Фарғона вилоятидаги шаҳар ва туманларда жойлашган марказий деҳқон бозорларида арзонлаштирилган байрам ярмаркалари фаолияти йўлга қўйилди.

Анъанага кўра харидорлар учун энг қулай ҳудудда жойлаштирилган ушбу ярмаркаларда 30 турдаги кундалик озиқ-овқат маҳсулотлари савдоси йўлга қўйилган. "Даладан — харидорга" тамойили асосида хизмат кўрсатадиган ярмаркаларда нарх-наво сезиларли даражада арзонлиги харидорларга манзур бўлаётир. Фермер ва деҳқон хўжаликлари эса шартномалар асосида ҳар куни янги ва сифатли маҳсулотларни савдо расталарига пешма-пеш етказиб бераётир.

— Ярмаркада бир килограмм мол гўшти 70 — 85 минг сўм, товуқ гўшти 25 минг сўм, балиқ 30 минг сўм, пахта ва кунгабоқар ёғининг литрини 18 — 20 минг сўмдан харид қилдим, — дейди меҳнат фахрийси Муҳаббатхон Юсупова. — Мева-сабзавотлар, шакар, гуруч, қандолат маҳсулотлари ҳам бозордагидан анча арзон нархда сотилмоқда.

Мазкур ярмаркалар 5 сентябргача фаолият кўрсатади.

Ботир МАДИЁРОВ
(«Халқ сўзи»).

ҲАРБИЙ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИДА МУТЛАҚО ЯНГИ БОСҚИЧ

1 — Мамлакатимиз мустақилликка эришган даврдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари ривожланишнинг ўзига хос йўлини босиб ўтди. 2016 йилга келиб миллий армиямизда замонга мос ўзгаришларни амалга оширишнинг янги босқичи бошланди.

Президент Шавкат Мирзиёев фаолиятининг дастлабки йиллариданоқ барча соҳа қатори Қуролли Кучларимизни кенг ислоҳ қилишга эътибор қаратди. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида Ўзбекистон Қуролли Кучлари мамлакатда эркин, озод ва фаровон ҳаёт бунёд этиш, демократик ислоҳотларни самарали амалга ошириш йўлида ишончли кафолат, тоғдек таянч эканлигини айтиб, миллий армиямизни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш борасида пухта ўйланган ва изчил ҳаракатларни давом эттириш зарурлигини таъкидлаганди. Шу боис 2017 йилдан барча куч ишлатар тузилмалар, жумладан, Мудофаа вазирлигида ҳам туб ислоҳотлар даври бошланди.

Хусусан, 2018 йил 9 январда Ўзбекистон Республикасининг "Мудофаа доктринаси тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди. Бундан ташқари, соҳани ривожлантиришга доир қатор қонунлар, Фармон ва қарорлар амалиётга татбиқ этилди. Қуролли Кучларимизнинг ташкилий тузилмаси такомиллаштирилди, қўшинларни замонавий қурол-яроғ ва техника намуналари билан жиҳозлаш, ҳарбий хизматчиларнинг жанговар тайёргарлиги ҳамда шайлиги, касбий маҳоратини оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ҳарбий-маъмурий секторлар фаолияти йўлга қўйилди. Бунинг натижасида барча дала-ўқув майдонлари, ҳарбий қисм ва муассасаларининг инфратузилмалари такомиллаштирилиб, замон талаблари асосида янги қиёфага келтирилди.

Жумладан, "Чирчиқ", "Ангрен", "Фориш", "Сазаган", "Каттақўрғон", "Фарғона", "Гурумсарой", "Термиз", "Нукус", "Муборак", "Янгиариқ" полигонларида кенг кўламли қурилиш ва капитал таъмирлаш ишлари олиб борилди. Мудофаа вазирлигида турли йўналишлар бўйича ихтисослаштирилган махсус ўқув марказлари ташкил этилди. Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари бўлинмалари замонавий ҳарбий авиация ва мудофаа тизимлари билан таъминланди. Ҳарбий хизматчиларнинг маънавий, ахлоқий-руҳий тайёргарлик тизими такомиллаштирилиб, бўлинмалар жанговар шайлиги сезиларли даражада ошди.

Қўшинлар қудратини оширишда барча бўғинда профессионал ҳарбий кадрлар тайёрлаш ўта муҳим аҳамиятга эга. Шу боис сўнгги йилларда ҳарбий таълим муассасаларининг моддий-техника базаси, ўқув лабораторияси ва полигонлари ҳамда инфратузилмалари замон талаблари асосида ривожланди. Ахборот-коммуникация технологиялари ва симуляторлар ҳарбий таълим жараёнига босқичма-босқич жорий қилинаётир. Бунда асосий эътибор мавжуд олий ҳарбий таълим муассасаларини моддий-техник жиҳатдан мустаҳкамлаш модернизациясига қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти ҳамда Ҳарбий тиббиёт академиясида катта ҳажмдаги қурилиш ва капитал таъмирлаш, ўқув-моддий базани такомиллаштириш ишлари амалга оширилди.

Булар ҳали ҳаммаси эмас. 2018 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий ҳарбий авиация билим юрти Жиззах вилоятидан Қарши шаҳрига кўчирилди ва 2024 йилдан Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий авиация институти деб қайта номланди. Умуман, вазирлик таркибидаги олий ҳарбий таълим муассасаларининг ўқув-моддий базаси ва инфратузилмалари 2016 йилдаги ҳолатга нисбатан янги қиёфага эга бўлиб, замонавий технологиялар амалиётга жорий этилди.

Эътибор беринг, 2016 йилгача Мудофаа вазирлиги тизимидаги олий ҳарбий таълим муассасаларида илмий салоҳият 4 фоизни ташкил этган бўлса, ҳозирги кунга келиб бу кўрсаткич 56,2 фоизга етди. Албатта, бу давлатимиз раҳбарининг ҳарбий таълим ва илм-фанни тубдан ислоҳ қилиш, уни замонавий стандартларга мослаштириш бўйича кўрган қатъий чоралари маҳсулидир.

Бироқ бугунги мураккаб давр ҳар бир мамлакат олдига мудофаа ва хавфсизликни таъминлашда кундан-кун янги талаблар қўймоқда. Ана шу ҳаётий зарурат сабаб давлатимиз раҳбари жорий йил февраль ойида бўлиб ўтган Хавфсизлик кенгашининг йиғилишида устувор йўналишлардан бири сифатида ҳарбий таълим тизимини тўлиқ трансформация қилиш бўйича аниқ вазифаларни белгилаб берди. Ушбу топшириқлар асосида йигирмадан ортиқ хорижий давлатларнинг соҳага оид илғор тажрибалари ўрганилиб, ҳарбий таълимни ислоҳ қилиш бўйича мутлақо янги миллий модель ишлаб чиқилди.

Айниқса, Президентимиз томонидан июль ойида қабул қилинган қарор тарихий аҳамиятга эга бўлди. Бу эса мамлакатимизда ҳарбий кадрлар тайёрлаш тизимини мутлақо янги босқичга олиб чиқишни кўзда тутади.

Қарорга асосан Қуролли Кучлар Академияси ислоҳ қилиниб, унинг негизида Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университети ташкил этилди. Эндиликда университет таркибида 5 та институт, 4 та факультет, шунингдек, 6 та округ факультети, 19 та ўқув марказини ўз ичига олган Сержантлар тайёрлаш олий мактаби ҳамда Авиация ва учувчисиз учиш аппаратлари мутахассисларини тайёрлаш маркази фаолияти йўлга қўйилади. Бу марказлашган вертикал тизимни ҳосил қилиб, қўшинларнинг жанговар салоҳиятини ошириш, дуал таълим тизимини кенгайтириш, илмий тадқиқотларни қўшинлар амалиётига кенг татбиқ этиш имкониятини беради.

Яна бир эътиборли жиҳат тор доирадаги ихтисосликлар бўйича "2+2" модели йўлга қўйилиши билан боғлиқ. Яъни психология, алоқа, таъминот каби 18 хил ёндош соҳалар бўйича мутахассислар бошқа олий таълим муассасаларининг 2-босқич талабалари орасидан саралаб олинади. Ушбу ёндашув орқали ҳарбий таълим муассасалари соҳага қизиқиши ва тайёргарлиги юқори бўлган талабаларни танлаб олиш имконини беради. Бу эса ҳарбий таълимнинг жозибадорлиги ҳамда натижадорлигини ошириб, вақт ва ресурсларни тежашга хизмат қилади.

Булардан ташқари, эндиликда олий ҳарбий таълим муассасаларининг 36 та таълим йўналиши битирувчилари бирйўла иккита диплом — фуқаролик ва ҳарбий касбга мўлжалланган мутахассислик эгаси бўлади. Бу эса офицерларнинг хизмат фаолиятини тамомлаганидан сўнг фуқаролик йўналишларида келгуси меҳнат фаолиятини давом эттириш имконини яратади. Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида янги ўқув йилидан бошлаб битирувчи босқич курсантлари учун танлов асосида "Олий Бош Қўмондон" давлат стипендияси жорий этилди.

Олий ҳарбий таълим ва ҳарбий илм-фанни янада ривожлантириш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар мамлакатимиз Қуролли Кучлари учун етук салоҳиятга эга, ҳар томонлама профессионал кадрлар тайёрлашни янги босқичга олиб чиқишда муҳим қадам бўлиб хизмат қилади.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи») ёзиб олди.

Бекободни Тошкент шаҳри билан боғлайдиган янги темир йўл қурилади.

АҲОЛИ МАНФААТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ ВА ХАЛҚЧИЛ НОРМАЛАР

1 Қонун лойиҳаси инсонларнинг ажралмас ҳуқуқларига сунъий интеллект технологияларининг салбий таъсир ўтказишидан ҳимоя қилади. Хусусан, сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ва сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлиғига, эркинлигига, шаънига, қадр-қимматига путур етказмаслиги ва бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслигига оид талаб белгиланяпти.

Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинлигига алоқадор юридик аҳамиятга эга қарорларни қабул қилишда фақатгина сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ва сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари хулосасига таяниб қолиш мумкин эмаслиги ўз аксини топмоқда.

Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида депутатлар, экспертлар ва олимларнинг фикри инобатга олиниб, лойиҳа янада такомиллаштирилди.

Мажлисда қонун лойиҳасининг қабул қилиниши сунъий интеллектдан фойдаланишни янада ривожлантириш, уни қўллаш орқали юзага келадиган муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш, бу йўналиш бўйича янги қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш, сунъий интеллектдан фойдаланган ҳолда шахсга доир маълумотларга қонунга хилоф равишда ишлов бериш ва тарқатишнинг олдини олишга хизмат қилиши қайд этилди.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Малакали ҳакамлик судьялари корпуси шаклланади

Мажлисда ҳакамлик судлари фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳасининг муҳокамаси ҳам қизғин кечди.

Қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқиш жараёнида ундаги айрим нормалар юзасидан депутатлар томонидан бир қатор таклифлар берилган эди. Улар масъул қўмита ва ишчи гуруҳ аъзолари томонидан чуқур таҳлил қилиниб, шулар асосида лойиҳа матни такомилига етказилди.

Хусусан, доимий фаолият юритувчи ҳакамлик судининг таркибида 5 нафар ҳакамлик суди бўлиши лозимлиги тўғрисидаги талаб келгусида ҳакамлик судини ташкил этишда муаммолар келтириб чиқариши, айниқса, узоқ ҳудудлардаги ҳакамлик судларига 5 нафар ҳакам тўплашда қийинчилик туғилиши мумкинлиги ҳисобга олиниб, қўмита томонидан 3 нафарга қисқартирилди.

Қонун лойиҳаси билан давлат органлари, ташкилотлари ва муассасалари ҳамда давлат иштирокидаги корхоналар, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳакамлик битими тарафлари бўлиши мумкин эмаслиги белгиланмоқда.

Шу билан бирга, эндиликда доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан ташкил этилиши ва унинг ҳузурида фаолият кўрсатиши белгилаб қўйилмоқда.

Мажлисда қонун лойиҳасида белгиланаётган нормалар ҳакамлик судлари фаолиятини юритишнинг қонуний асосларини мустаҳкамлаш, малакали ҳакамлик судьялари корпусининг шаклланишига хизмат қилиши қайд этилди.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Ижтимоий иш соҳасидаги муносабатлар тартибга солинади

Мажлисда "Ижтимоий иш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси атрофлича кўриб чиқилди.

Бу билан ижтимоий иш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари, бу йўналишдаги махсус ваколатли давлат органи ҳамда унинг ваколатлари, ижтимоий ходимнинг вазифалари ва мажбуриятлари белгиланмоқда.

Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар (оилалар)нинг ҳимоясини таъминлаш, ижтимоий ишни ташкил этиш ҳамда ижтимоий муҳофаза бўйича муносабатларни тартибга солиш назарда тутиляпти.

Шунингдек, давлат томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар (оилалар)нинг оғир ижтимоий вазиятдан чиқишга ва жамият ҳаётида иштирок этиши учун бошқа шахслар билан тенг бўлган имкониятларни яратишга қаратилган кафолатланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши белгилаб берилмоқда.

Лойиҳада ижтимоий ҳимояга муҳтож оила (шахс)ни аниқлаш ва уларни ижтимоий ҳимояга муҳтож оила (шахс) деб топиш асослари, бундай хизматлар ва ёрдамдан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳам акс этмоқда. Қолаверса, ижтимоий хизматлар ҳамда ёрдамнинг турлари ва шаклларига аниқлик киритиляпти.

Мажлисда айтилганидек, мазкур қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасининг шу йил 29 июль куни бўлиб ўтган мажлисида кўриб чиқилиб, унда назарда тутилаётган айрим нормалар бўйича бир қатор саволлар ўртага ташланган эди.

Ўтган вақт мобайнида масъул қўмита томонидан депутатлар билдирган қатор таклифлар чуқур таҳлилдан ўтказилиб, улар асосида лойиҳадаги айрим нормалар такомиллаштирилди. Жумладан, Конституциямизнинг 19-моддаси учинчи қисмида "ижтимоий адолат принциплари" баён қилингани, бу таҳрир бир нечта ҳуқуқий принциплар мажмуи сифатида талқин этилишини, шу билан бирга, назарий жиҳатдан "ижтимоий адолат принциплари" инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, мутаносиблик ҳамда шу каби бошқа ҳуқуқий принципларни ўз ичига олганини инобатга олиб, қонун лойиҳасининг 7-моддаси чиқариб ташланмоқда.

Шу билан бирга, лойиҳанинг аввалги 13-модда, ҳозирги 12-моддасида Вазирлар Маҳкамасининг ижтимоий иш соҳасидаги ваколатларига бошқа вазифалар юклатилаётганини инобатга олиб, таҳририй ўзгартириш киритилмоқда. Бундан ташқари, қонун лойиҳасининг "Ижтимоий ходимнинг фаолиятига нисбатан чекловлар"га бағишланган моддаси ишчи гуруҳ томонидан қайта кўриб чиқилиб, ўзгартиришлар киритилди. Ушбу моддада жинсий эркинликка қарши жиноятларни содир этган шахслар ижтимоий ходим сифатида фаолият юритишига нисбатан чекловлар белгиланмоқда.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашда муҳим чоралар

Мажлисда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда юқори қўшилган қийматли товарлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди.

Хусусан, юқори технологиялар асосида маҳсулотлар ишлаб чиқаришда тадбиркорлик субъектларига фойда солиғи ва мол-мулк солиғидан имтиёзлар бериш таклиф этилмоқда. Қолаверса, давлат муассасаси шаклида тузилган ҳудудий яйлов хўжаликларининг доимий фойдаланишдаги яйлов ерларини ер солиғидан озод қилиш назарда тутиляпти.

Шунингдек, енгил саноат ва хизматлар соҳасини, ипотека бозори ва фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар ва креатив паркнинг резидентларини қўллаб-қувватлашга қаратилган солиқ имтиёзларини тақдим этиш белгилаб қўйилмоқда.

Лойиҳада айланмадан олинадиган солиқ ёки қўшилган қиймат солиғи тўловчи якка тартибдаги тадбиркор молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаганлиги сабабли белгиланган тартибда солиқ органининг тақдимномасига асосан ҳаракатсиз режимга ўтказилган пайтдан эътиборан бир йил ичида (амалда 3 йил) ўз фаолиятини тикламаган тақдирда, у рўйхатдан ўтказувчи органнинг қарорига кўра тугатилиши мумкинлиги назарда тутилмоқда.

Бундай ўзгартириш мамлакатда тадбиркорлик фаоллигини тўғри баҳолаш, иқтисодий ва статистик кўрсаткичларнинг тўғри шаклланишига ҳамда "яширин иқтисодиёт"ни қисқартиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Қонун лойиҳасида меҳнат бозорига кириб келаётган ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида айрим соҳалардаги тадбиркорлик субъектларига ўттиз ёшдан ошмаган ходимларни ишга қабул қилгани учун ижтимоий солиқ ставкасини 1 фоиз миқдорида белгилаш таклиф этилаётгани депутатлар томонидан маъқулланди.

Муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Соддалаштирилган тартибда ижро этиладиган ишлар тоифаси кенгайтирилади

Мажлисда ижро ишини юритишнинг соддалаштирилган тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси ҳам муҳокама марказида бўлди.

Маълумки, ижро ишини юритишнинг соддалаштирилган тартибида ундирувни қарздорнинг мол-мулкига (бундан пул маблағлари мустасно) қаратмаган ҳамда унга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари қўлламаган ҳолда амалга оширилади.

Қонун лойиҳаси билан соддалаштирилган тартибда ижро этиладиган ижро ишлари тоифаси кенгайтирилмоқда. Хусусан, видеоконференцалоқа харажатларини, коммунал хизматлар ҳамда кўп квартирали уйлар мулкдорларининг мажбурий бадалларини ёки тўловлар бўйича қарздорликларни, шунингдек, базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан кўп бўлмаган даражадаги ижро ҳужжатларини соддалаштирилган тартибда ижро этиш назарда тутиляпти.

Мунозараларда лойиҳани иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида масъул қўмита томонидан бир қатор ишлар амалга оширилгани айтилди.

Мажлисда қонун лойиҳасида белгиланаётган нормалар ундирув самарадорлигини ошириш, мураккаб бўлмаган ижро ҳужжатлари бўйича қарздорларнинг яшаш жойига бориб, уларни ортиқча безовта қилиш ҳолатларининг олдини олиш ҳамда қарздорга нисбатан тақиқ ва чекловларни қўлламаган ҳолда ундирувни амалга оширишга имконият яратиши таъкидланди.

Савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Хотин-қизлар ижтимоий муҳофазаси янада кучайтирилади

Депутатлар томонидан кўриб чиқилган навбатдаги ҳужжат — "Аҳоли бандлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси бўлди.

Бу билан амалдаги "Аҳоли бандлиги тўғрисида"ги Қонунга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда. Хусусан, "Инсон" ижтимоий хизматлар марказлари талабномаси асосида маҳаллий меҳнат органларига рўйхати тақдим этилган, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган тегишли билим ва кўникмаларга эга бўлган хотин-қизларни ишга жойлаштиришга доир йўлланма бўйича давлат ташкилотларига ишга жойлаштириш кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, маҳаллий меҳнат органларига рўйхати тақдим этилган, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган тегишли билим ва кўникмаларга эга бўлган хотин-қизлар мурожаат қилмаса ҳам, улар иш қидираётган шахслар сифатида рўйхатга олиниши белгиланмоқда.

Мажлисда мазкур қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасининг шу йил 29 июль куни бўлиб ўтган мажлисида кўриб чиқилиб, бир қатор саволлар ўртага ташланган айтилди. Шундан келиб чиқиб, қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида депутатлар, сиёсий партиялар фракциялари томонидан билдирилган таклифлар инобатга олиниб, ундаги айрим нормалар янада аниқлаштирилгани ва таҳририй тузатишлар киритилгани таъкидланди.

Хусусан, қонун лойиҳасида назарда тутилган нормаларнинг турлича талқин қилинишининг олдини олиш мақсадида йўлланма давлат ташкилотига ҳамда давлат улуши эллик фоиз ва ундан юқори бўлган ташкилотларга ишга жойлаштириш учун берилишини назарда тутувчи таҳририй ўзгартиришлар киритилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган, тегишли билим ва кўникмаларга эга бўлган хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш орқали уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Суғурта хизматлари истеъмолчилари ҳуқуқлари ҳимоя қилинади

Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш орқали суғурта бозорининг профессионал иштирокчиларига қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда суғурта муносабатларидан келиб чиқадиган низоларни ҳал этишга қаратилган.

Лойиҳа билан суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари фаолиятида хабардор қилиш тартиб-таомилларини қўллаш белгиланмоқда. Шунингдек, суғурта агенти фаолиятини тартибга солишнинг янги механизмини ишлаб чиқиш, суғурталовчи лицензиясини ихтиёрий равишда бекор қилиш тартибини ваколатли давлат органи томонидан белгилаш, суғурталовчилар ва суғурта брокерларнинг мансабдор шахслари учун белгиланган малака талаблари ва уларни аниқлаш тартибини такомиллаштириш таклиф этилмоқда.

Халқ вакиллари транспорт воситасидан фойдаланишда мажбурий суғурта қилиш, йўл-транспорт ҳодисаси рўй берганда томонлар келишувига кўра суғурта тўловини айбдор томоннинг суғурталовчисидан олиш масалалари тартибга солинаётганлигини маъқуллади.

Шу билан бирга, суғурта хизматлари истеъмолчилари ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш мақсадида суғурталовчи томонидан истеъмолчига тақдим қилиниши шарт бўлган маълумотлар рўйхати лойиҳада акс эттирилиши ижобий баҳоланди.

Депутатлар қонун лойиҳаси билан киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар суғурта хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашда ва суғурта соҳасининг ривожланишида муҳим аҳамият касб этишини таъкидладилар.

Қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тизими такомиллаштирилмоқда

Мажлисда электрон тижорат соҳасини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан муҳокама қилинди.

Кейинги йилларда электрон тижорат жадал суръатларда ривожланиб, янги рақамли платформалар ва хизматлар пайдо бўлмоқда. Шу сабабли қонунчиликда электрон тижорат субъектлари фаолиятидаги муносабатларни тартибга солиш ва соҳани ривожлантиришга оид нормаларни белгилаш зарурати юзага келмоқда.

Ушбу қонун лойиҳаси билан "Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги Қонунда электрон тижорат соҳасидаги электрон савдо платформаси оператори, буюртмалар агрегатори ва рақамли стриминг хизмати операторлари фаолият турлари белгилаб қўйилмоқда.

Мажлисда қонун лойиҳаси электрон тижорат соҳасида фаолият юритаётган электрон тижорат операторлари фаолиятида аниқлик ва шаффофликни ҳамда рақобат муҳитини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилгани қайд этилди.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Наҳотки?..

ҲОКИМ НИМАДАН ДАРҒАЗАБ?

Бугунги интернет ва оммавий коммуникациялар ривожланган бир даврда халқимизнинг "Эл оғзига элак тутиб бўлмайди" деган мақоли ҳар қачонгидан долзарб. Чиндан ҳам, ҳар қандай ноўрин айтилган гап ёки нотўғри хатти-ҳаракат дарҳол ижтимоий тармоқ орқали кенг тарқаляпти.

Бундан, айниқса, ҳокимлар, турли даражадаги раҳбарлар кўпроқ "азият чекмоқда". Шундай бўлсада, кунда-кунора юз бераётган "қовун тушириш"ларнинг охири кўринмаяпти. Бир ҳоким тадбиркорни "кўмиб" юбормоқчи бўлса, бошқаси қўл остидагиларни бўралаб сўкаётганини эшитиб қоламиз. Яна бир раҳбар видеоселекторда котибаси билан бир стулда ўтириб иштирок этса, бошқаси ходимининг аёллар билан ишқий муносабатини очиқ-ойдин муҳокама қилади.

Энг қизиғи, бундай ҳолатларда айбдорга нисбатан чора кўриш масаласида ёндашувлар ғалати. Агар хатога йўл қўйган раҳбарнинг даражаси юқори бўлса, жазони у эмас, воқеани интернетга тарқатган одам ёки шунга йўл қўйган ходим олади. Бунга Андижондаги мактабда рўй берган воқеа яққол мисол. Охир-оқибат, мактабни ўз кучи билан таъмирлашга буйруқ берган раҳбарлар четда қолиб, директор балога қолди. Ваҳоланки, у ўқитувчиларни ўз томорқасига олиб бориб ишлатгани йўқ эди. Агар ҳокимлик ўз вақтида мактаб таъмири учун тендер ўтказиб, курувчи ташкилот тайинлаганида, директор бу ишларни ўқитувчиларга қилдиришга мажбур бўлмасди.

Муҳокамага чиққан камчиликларга муносабатнинг яна бир ғалати жиҳати шундаки, энди вилоят ҳокимлари ва республика даражасидаги раҳбарлар йўл қўйилган хатога эътибор қаратмасдан, кўпроқ у ҳақда оммавий ахборот воситаларида гапирилганидан дарғазаб бўлишяпти. Уларнинг наздида камчилик бўлса бўлаверсин, фақат ижтимоий тармоққа ёки газетага чиқиб кетмаса, асосийси, бундан янада юқорироқ турувчи раҳбарлар хабар топмаса бўлгани...

Яқинда ижтимоий тармоқда тарқалган бир видеода вилоят ҳокими қўл остидагиларга "ижтимоий тармоқлар билан ҳамкорлик қилмаганнинг келажаги йўқ"лигини уқтирганига кўзимиз тушди. Аслида, журналист ёки блогер танқидий материал тайёрлаётганда кимнидир изза қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўймайди. Мақсад — камчиликни бартараф этиш. Шундай экан, ижтимоий тармоқ фаоллари билан ҳамкорлик қилиш эмас, камчиликларга йўл қўймаслик керак. Шунда мақсадга эришилади.

Жамолиддин ТЎХТАШЕВ
(«Халқ сўзи»).

ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИ ЮЗАСИДАН ҲУКУМАТ ҲИСОБОТИ ЭШИТИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон — 2030" стратегиясини "Атроф-муҳитни асраш ва "яшил" иқтисодиёт йили"да амалга оширишга оид давлат дастурининг 2025 йил биринчи ярим йилликдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботи муҳокама қилинди.

Парламент назорати

Кун тартибидаги масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири Жамшид Қўчқоров ахборот берди.

Давлат дастурида белгиланган устувор йўналишлар ва мақсадлар доирасида барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш, ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароитлар яратиш, сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, "Хавфсиз ва тинчликсевар давлат" тамойилига асосланган сиёсатни изчил давом эттириш йўналишида тизимли ишлар амалга оширилган.

Ҳукумат томонидан вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари билан биргаликда давлат дастури ижросини ўз вақтида ва тизимли ташкил этиш мақсадида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилган, бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ишлаб чиқилишида парламент билан самарали ҳамкорлик ўрнатилган.

Мажлисда таъкидланганидек, мамлакатимиз барқарор иқтисодий ўсиш йўлида аниқ натижаларга эришяпти. Хусусан, 2025 йилнинг биринчи ярим йиллигида мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажми 7,2 фоизга ошган. Унинг таркибида бозор хизматлари — 8,2, саноат ишлаб чиқариш — 6,6, қурилиш ишлари — 10,7 ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 4,0 фоизга ўсди.

Хусусан, ҳисобот даврида жами 21 млрд. АҚШ долларилик хорижий инвестициялар ўзлаштирилиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 1,3 баробар ўсган. Қиймати 2,5 млрд. АҚШ долларилик 30 та лойиҳани ишга тушириш орқали 3 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилган, 66 та туманга 50 млн. АҚШ долларидан кўп сармоя киритилган.

Бюджет даромадлари 144,2 трлн. сўмга етиб, 27,8 фоизга кўпайган. Давлат бюджетининг харажатлари ҳисобот даврида 173,3 трлн. сўм бўлиб, 13,1 фоизга ўсган. Шундан ижтимоий соҳаларга йўналтирилган маблағ 86,2 трлн. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 16,4 фоизга кўп. Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш учун 14,7 трлн. сўм субсидиялар ажратилган.

Давлат дастурининг ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун муносиб шароитларни яратиш борасида белгиланган устувор йўналишлари доирасида муайян ишлар амалга оширилган. Жумладан, мактабгача таълим ташкилотлари мавжуд бўлмаган олис ва чекка ҳудуддаги 60 та маҳаллада 142 та мактабгача таълимнинг муқобил шакли бўлган мобиль гуруҳлар фаолияти йўлга қўйилган.

Шунингдек, "ёшлар дафтари" орқали йигит-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 121,8 млрд. сўм маблағ ажратилган. Шундан ижтимоий ҳимояга муҳтож талабаларнинг таълимни давом эттириши учун 50,3 млрд. сўм, 3 220 нафар ногиронлиги бўлган ва бемор ёшларнинг даволаниш харажатлари учун 4,1 млрд. сўм маблағ тўланган. 4377 нафар ёш илм-фан, замонавий касбларга ўқитилган, 934 нафарининг бандлиги таъминланган. Навқирон авлоднинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, ишсизликни камайтириш мақсадида Ёшлар бандлик дастурлари тасдиқланган.

Аёлларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш йўналишида 156 290 нафар хотин-қиз тадбиркорлик ва касб-ҳунарга ўқитилган, 1 771 нафарининг уй-жойини яхшилаш чоралари кўрилган, 99 нафари уй-жой билан таъминланган.

Аҳолини тиббий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида 40 ёшдан ошган 8,2 млн. нафар аҳоли ҳамда 3 млн.дан ортиқ болалар оммавий скрининг текширувларидан ўтказилган.

"Камбағалликдан фаровонлик сари" дастури доирасида энг оғир аҳволдаги 1 024 та маҳалла инфратузилмасини яхшилаш, туман ва шаҳарларда драйвер лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда комплекс ривожлантириш харажатларига 3,2 трлн. сўм маблағ йўналтирилиши белгиланган.

Экологик вазиятни барқарорлаштиришга қаратилган "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида республика бўйича 55 та яшил боғ, Орол денгизининг қуриган туби ва Оролбўйи ҳудудларининг 126,2 минг гектарида яшил қопламалар барпо этилган. 130 минг гектар майдонда ўрмон барпо қилиш ва қайта тиклаш тадбирлари амалга оширилган.

Мажлисда кун тартибидаги масала юзасидан Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг муносабатлари эшитилди.

ЎзЛиДеП фракцияси партия мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, давлат дастурининг барқарор ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишларга алоҳида эътибор қаратди.

Фракция аъзолари барча соҳада олиб борилаётган тизимли ислоҳотларни, хусусан, ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ошгани, экспорт ҳажмининг илк бор 10,3 млрд. АҚШ долларига етгани, ёшларга қаратилаётган эътибор ҳамда Жаҳон савдо ташкилотига қўшилиш борасидаги саъй-ҳаракатларни юқори баҳолади.

"Миллий тикланиш" ДП фракцияси Ҳукуматнинг ҳисоботини чуқур таҳлил этиб, бугунги мураккаб шароитда хорижий инвестицияларни жалб қилиш, ялпи ички маҳсулотнинг ўсишини таъминлаш, саноат ҳамда хизмат кўрсатиш улушининг ортиб бораётганини эътироф этди.

Партия фракцияси ўзининг дастурий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда таълим-тарбия, миллий маданият, маънавий ривожланиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратди. Хусусан, мактабгача таълим тизимига қамровнинг 77 фоизга етгани, болаларни мактабга тайёрлов 96 фоизни қамраб олганини катта кўрсаткич, дея баҳолади.

Ижобий кўрсаткичларни таъкидлаш билан бирга, бир қатор таклифлар илгари сурилди. Жумладан, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш, мактабларни ўқув адабиётлари билан ўз вақтида таъминлаш, мактабгача таълим муассасалари учун миллий тарбия методологиясини ишлаб чиқиш, "Эл-юрт умиди" жамғармаси орқали хорижий университетларда ўқиб келган ёшларни муносиб иш билан таъминлашни тизимли йўлга қўйиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги айтилди.

"Адолат" СДП фракцияси аҳолининг ўртача умр давомийлигини ошириш, касалликларни эрта аниқлаш ва олдини олиш борасида олиб борилаётган чора-тадбирларни юқори баҳолади. Хусусан, жорий йилнинг дастлабки 6 ойида 809,4 минг нафар хотин-қиз онкоскрининг текширувидан ўтказилиб, 397 нафарида (75,6 фоиз) касаллик эрта босқичда аниқланганига алоҳида эътибор қаратилди. Бундан ташқари, 3 — 18 ёшли 3 млн.дан ортиқ болалар ўртасида онкогематологик касалликларни эрта аниқлаш бўйича оммавий ва селектив текширувлар ўтказилгани фракция томонидан қўллаб-қувватланди.

Шунингдек, "аёллар дафтари" ёки "ёшлар дафтари" орқали касб-ҳунарга ўқитилган аҳолининг қанча қисми доимий ишга жойлаштирилгани юзасидан батафсил таҳлилий маълумотлар тақдим этилиши лозимлиги айтилиб, иккинчи ярим йиллик учун тайёрланадиган ҳисоботда ушбу масалани инобатга олиш сўралди.

ЎзХДП фракцияси томонидан ҳисобот даврида Давлат бюджетининг 86,2 трлн. сўми ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилгани партиянинг дастурий мақсадлари билан ҳамоҳанг эканлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси парламентдаги мухолифат фракция сифатида Ҳукумат ҳисоботи бўйича бир қатор конструктив таклиф ва тавсияларини билдирди.

Ҳисоботда дастур ижроси бўйича айрим масалаларда умумий кўрсаткичлар билан чекланилгани, бажарилган ишлар, соҳалар ва ҳудудлар кесимида кенгроқ очиб берилмагани уни комплекс таҳлил қилиш ва зарур хулосаларга келишда мураккабликлар келтириб чиқаргани қайд этилди.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзолари иқлим ўзгариши шароитида сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва сувни тежаш йўналишида амалга оширилган ишларни юқори баҳолади.

Шу билан бирга, фракция дастурдаги "Бир миллион яшил оила" умуммиллий ҳаракати доирасида юқори кўрсаткичларга эришган оила аъзолари учун "Экофаол фуқаро" мақомини олиш тартибини ишлаб чиқиш, давлат экологик назорат инспекцияси фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, уларнинг ходимларини махсус восита ва транспортлар билан таъминлаш, 14 та ҳудудда қаровсиз ҳайвонларни сақлаш ва парваришлашга мўлжалланган питомникларни ташкил этиш каби айрим ижроси кечиктирилган ёки бошқа муддатларга кўчирилган вазифаларга эътибор қаратди.

Мажлисда депутатлар томонидан давлат дастурида ижро муддати узайтирилган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш чораларини кўриш, бунда мутасадди вазирлик ва идораларнинг масъулиятини янада ошириш лозимлиги таъкидланди.

Муҳокама якунида Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи маъқулланиб, Ҳукуматнинг тегишли фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар акс этган тегишли қарор қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахслар учун 2030 йил 31 декабрга қадар махсус ҳуқуқий режим жорий этилади.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2025 йил 13 август

ХЎЖАЛИК ЮРИТИШНИНГ ҲАЛОЛЛИК МЕХАНИЗМЛАРИ

Ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб “бозор механизми”, “механизм” сўзлари пайдо бўлди. Уларнинг мағзини чақиб, маъносини англаб, ўрнига қўйиб ишлатяпмизми?

Қуйида шу ҳақда мухтасар тўхталамиз. Аввало, айтиш жоиз, “механизм” деб (юнонча techane — қурол, иншоот) бир ёки бир неча жисмнинг ҳаракатини бошқа жисмларнинг маълум ҳаракатига айлантириб берадиган қурилмага айтилади.

Нуқтаи назар

Механизм деганда, энг аввало, ўрта мактабда ўқитиладиган физика фанидаги ричаг, дастак, кенгроқ мушоҳада юритсак — кўтарма кранлар, мураккаб техник қурилмалар кўз ўнгимизга келади. Улар моддийлашган шаклда намоён бўлади. Буларнинг ҳаммасини “техникавий механизмлар” деб умумлаштириш мумкин. Бундай механизмлар жисмоний ҳаракатни, улар воситасида бажариладиган ишларни англатади.

Бозор механизмлари деганда, биз иқтисодий механизмларни тушунамиз. Хўш, иқтисодий механизм нима?

“Иқтисодий механизм” тушунчаси такрор ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш ва уни тартибга солишнинг шакл ва усуллари йиғиндисини англатади. Улар ишлаб чиқариш кучлари ва жамият устқурмаси ўртасидаги ишлаб чиқариш муносабатларини ифодалайди. Иқтисодий механизмлар моддий ҳолатда намоён бўлмайди, уларни кўз билан эмас, фақат ақл (билим) билан кўриш мумкин. Иқтисодий механизмлар ўзининг мазмуни ва вазифасига қараб қуйидагича туркумланади:

— иш кучи ва сармояни бирлаштириш шаклларини белгиловчи;

— даромадларни тақсимлаш усулларини белгиловчи;

— товар ишлаб чиқарувчиларни (тадбиркорликни) рағбатлантирувчи.

Шу ўринда айтиш керакки, аждодларимиз ўз даврида мазкур механизмларни ҳуқуқий меъёрлар шаклида пухта ишлаб чиқишган. Бу борада Бурҳониддин Марғинонийнинг хизматлари беқиёс. У ўзининг “Ҳидоя” асарида ҳозирги илм-фанга нисбатан содда бўлса ҳам, сармоя (инвестиция)лардан фойдаланиш тартибларини белгилаб берган. Сармоя эгаси ундан фойдаланиш учун тадбиркорни ёллаши мумкин. Аллома бу асарида сармоя ва меҳнатни бирлаштиришнинг турли шаклларини кўрсатиб берган. Улар — “музрабат” (сармоя фойдаси ва меҳнатга шерик бўлиш), “бозаот”, “қарз”, “орият” (ссуда), “ижара” деб аталади.

Музрабат шундай шериклик шартномасидирки, унда бир томон сармоя, иккинчи томон меҳнат қўшади. Томонларнинг ҳар бири фойданинг бир қисмига эга бўлиш ҳуқуқини қўлга киритади. Музрабатнинг асосий шарти фойдага ҳиссадор бўлишдир. Бундай шартнома мўлжалланган ишни амалга ошириш учун сармояни тадбиркор қўлида тўплаш имконини беради. Тадбиркор сармояни ўз билганича ишлатиши, зарур хомашё, асбоб-ускуналар сотиб олиши, сармояни айланма маблағ шаклида ишга солиши ёки кредитга бериши мумкин.

Бу шартнома тижорат фаолиятининг барча кўринишига тегишли бўлиб, унинг муҳим жиҳати — сармояни ишлатиш имкониятларини чекламаслик. Савдогарлар одатидаги барча ишлар билан шуғулланишга тадбиркорнинг ҳаққи бор. Бундай шартноманинг асосий шарти — фойда олишни таъминлашдан иборат. Тадбиркор унга берилган сармоя учун тўла жавобгар ва фойда олишга масъул бўлади. Иш бўйича харажатлар фойда ҳисобидан қопланади. Иш якунида аввал мулкдор ўз сармоясини олади, кейин фойда мулкдор ва тадбиркор ўртасида тақсимланади.

Бозаот — шундай шартномаки, бунда фойданинг ҳаммаси мулк эгасига тегади, тадбиркор меҳнати учун аввалдан келишилган ҳақини олади.

Қарз шартномасида фойданинг ҳаммаси тадбиркорга тегишли бўлади.

Орият (ссуда) — ҳеч қандай тўловсиз буюм (асбоб-ускуна)дан фойдаланиш ҳуқуқини бериш ҳақидаги шартнома. Буюмни берган шахс ссуда берувчи бўлади. Буюмни қайтариб бериш муддатини белгилаш шарт эмас. Орият шартномаси буюмни қайтариб беришни талаб қилиш билан барҳам топади. Ижара шартномасида эса белгиланган муддат ўтмасдан буюмни қайтариб беришни талаб қилиш мумкин эмас. Ссуда олувчи ориятга олинган буюмни бошқа одамга бериш (қарзга бериш) ҳуқуқига эга эмас. Ер иморат қуриш ёки экин экиш учун ссудага олиниши мумкин. Ерни ссудага олиш шартномасида муддат белгиланган бўлса, ссуда берувчи ерни муддатидан аввал қайтариб беришни талаб қилса, ссуда олувчига етган зарарни тўлаши лозим бўлади. Ссуда муддати кўрсатилмаган бўлса, ссуда олувчига етган зарар тўланмайди.

> **“Бозорни тартиблаштиришнинг замонавий механизмлари икки гуруҳга — давлат ва нодавлат гуруҳларга бўлинади. Буйруқ бериш, мажбурлаш, мусодара қилиш каби маъмурий-буйруқбозлик усуллари қўлланилган режали хўжаликдан фарқли ўлароқ, эркин бозорда давлат фақат иқтисодий механизмлардан фойдаланади.”**

Экин экиш учун ссудага берилган ер муддати кўрсатилган ёки кўрсатилмаганидан қатъи назар, ҳосил йиғиштириб олинмагунча қайтариб олиниши мумкин эмас. Агар ер боғ қилинган бўлса, қайтариб олиш мумкин.

Ижара шартномаси — маълум ҳақ эвазига буюмдан фойдаланиш ҳуқуқини сотиш. Ижара шартномасида ижарага олишдан мақсад аниқ кўрсатилиши шарт, акс ҳолда шартнома қонуний ҳисобланмайди.

Юқорида келтирилган шартномаларни тадбиркор ва сармоядорни бирлаштириш шаклларини белгилаб берувчи механизмлар, дейиш мумкин. Бундай шартномалар аниқ ифодаланиши, томонлар бир-бирини алдамаслиги шарт, акс ҳолда шартнома бузилади, ўртада низо келиб чиқади.

Шу ўринда “Деҳқон ва айиқ” эртагини мисол қилиб келтириш мумкин. Деҳқон ва айиқ тенг шерик бўлиб экин экишибди. Биринчи йил деҳқон айиққа экиннинг илдизини беришни ваъда қилиб, ғалла экибди. Иккинчи йил у айиққа экиннинг баргини бериш ваъдаси билан шолғом экибди. Икки йил меҳнат қилиб ҳеч қандай фойда кўрмаган айиқ деҳқонга душман бўлиб қолибди. Ҳосилни тақсимлашнинг бундай мавҳум шартномаси айиқни алдаш учун ишлатилган иқтисодий механизм вазифасини бажарган. Афсуски, шунга ўхшаш алдамчиликлар фақат эртакларда эмас, ҳаётда ҳам учраб туради.

Собиқ иттифоқ даврида Россия Ўзбекистонга 1 кг. буғдойни 16 тийиндан сотиб, 1 кг. пахтани 55 тийиндан сотиб олган. Ваҳоланки, пахта етиштириш учун буғдойга нисбатан 20 марта кўп меҳнат сарфланади. Шунга кўра пахтанинг нархи буғдойга нисбатан 20 марта юқори — 3 сўм 20 тийин бўлиши ёки буғдойнинг нархи 2,75 тийин бўлиши лозим эди.

Даромадларни тақсимлаш усулларини белгиловчи механизмларга ушр ва закот ҳам киради. Ушр ҳосилнинг ўндан бир қисмини жамоа эҳтиёжларини қондириш учун ихтиёрий равишда топширишни тақозо этади. Демак, ушр — олинган даромадни шахс ва жамият ўртасида тақсимлаш тартибини белгиловчи механизм вазифасини бажаради.

Закот ҳам худди шундай иқтисодий масалани ҳал қилишга қаратилган механизмдир. Унга кўра, ўзи ва оиласи эҳтиёжидан ортиқча, даромад келтирувчи бойликнинг қирқдан бир қисми муҳтожларга ихтиёрий равишда берилади. Демак, закот — даромадларни жамият аъзолари ўртасида тақсимлаш тартибини белгилаб беради. Бундай тартиб ўрнатишдан кўзда тутилган мақсад — жамият аъзоларининг бир қисми ҳаддан ташқари бойиб кетиши, бошқа бир қисмининг эса қашшоқлашиб қолишининг олдини олиш.

Бозор иқтисодиёти марказлашган режалаштириш усулида бошқарилган шўро тузумидан тубдан фарқ қилиб, давлат томонидан тўлиқ бошқарилмайди, балки иқтисодий қонуниятлар асосида тартибга солинади.

Бозорни тартиблаштиришнинг замонавий механизмлари икки гуруҳга — давлат ва нодавлат гуруҳларга бўлинади. Буйруқ бериш, мажбурлаш, мусодара қилиш каби маъмурий-буйруқбозлик усуллари қўлланилган режали хўжаликдан фарқли ўлароқ, эркин бозорда давлат фақат иқтисодий механизмлардан фойдаланади. Буларга солиқ сиёсати, инвестиция сиёсати, стратегик аҳамиятга эга товарларга нархларни белгилаш, фоиз ставкалари, кредитлаш тартибларини белгилаш, субсидиялар ажратиш, ташқи савдо алоқалари бўйича давлатлараро битимлар киради.

П. Самуэльсон, В. Нордхаус таърифича, иқтисодиётни давлат томонидан тартиблаштириш, бир томондан, бозор ҳукмронлигини чеклашга, иккинчи томондан, ижтимоий танлов назариясига асосланади. Биринчи омил бозордаги муваффақиятсизликларни, банкрот бўлишнинг олдини олади, иккинчи омил эса тармоққа янги фирмаларнинг кириб келишига, ишлаб чиқарувчилар даромадларини оширишга туртки беради.

Бозорни тартиблаштиришнинг нодавлат механизмларига рақобат, талаб ҳамда таклиф қонуни товар ишлаб чиқарувчиларнинг бозорлар ва баҳолар бўйича битимлари киради.

Товар ишлаб чиқарувчиларни (тадбиркорликни) рағбатлантирувчи механизмларга солиқлардан озод (тўла ёки қисман) қилиш, иқтисодиётнинг устувор соҳаларини ривожлантиришнинг давлат дастурлари доирасида сармоялар ажратиш киради.

“Ўзбекистон — 2030“ стратегиясида мамлакатимизни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш мақсадлари ва вазифалари, бозор ислоҳотларини такомиллаштириш йўналишлари белгилаб берилган. Бунда иқтисодиётни ривожлантиришда нодавлат механизмларига устуворлик берилиб, давлат механизмларининг ўрни йилдан-йилга қисқариб боради. Натижада Ўзбекистон иқтисодиёти тартибга солинадиган бозор механизмларига ўтказилиб, Жаҳон савдо ташкилоти талабларига мослашади.

Нуриддин ЙЎЛДОШЕВ,
Тошкент менежмент ва иқтисодиёт институти профессори, иқтисодиёт фанлари доктори.

ЗАМИН САХОВАТИ

Анжирзорда ажиб намойиш

Самарқанд шаҳридаги Боғибаланд туризм маҳалласида ўтказилган “Анжир сайли”да витамин ва минералларга бой бўлган анжир етиштириш, уни қайта ишлаш ҳамда агротуризм соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Илғор агротехнологик тажрибалар намойиш қилиниб, деҳқон ва фермер хўжаликлари вакиллари учун семинарлар ташкил этилди.

— “Анжир сайли” ушбу мевани етиштиришни оммалаштириш, йўқолиб кетаётган ноёб турдаги анжир кўчатларини кўпайтиришда муҳим аҳамият касб этади, — дейди Самарқанд вилояти ҳокимининг ўринбосари Рустам Қобилов. — Боғбонларимиз томонидан янгича, “In-vitro” усулида парваришланган 6 ойлик кўчатлар бепул тарқатилди. Яна бир аҳамиятли жиҳати, тадбирнинг бугунги кунда туризм масканига айланган Боғибаланддаги анжирзорда ўтказилганидир. Унда турли мамлакатлардан келган сайёҳлар ҳам иштирок этди.

Кўргазма, анжирдан тайёрланган шарбат, мураббо ҳамда турли миллий ва Европа таомлари барчага манзур бўлди. Маданий дастурлар, фольклор жамоаларининг чиқишлари иштирокчиларга байрамона кайфият бағишлади.

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ
(«Халқ сўзи»).

Хандон писта — фойдали неъмат

Учқўрғон туманида қишлоқ хўжалигига инновацион технологиялар жадал кириб боряпти. Кейинги пайтларда маҳаллий боғбонлар ўз томорқаларида дастурхон кўрки бўлган қулупнай, голубика сингари тансиқ мевалардан ташқари, хандон писта етиштиришни ҳам йўлга қўйишди.

Бу ишга Қайқи маҳалласида истиқомат қилаётган Тожиддин Жалилов биринчилардан бўлиб киришган эди. Ўтган йили у парваришлаётган 32 туп писта кўчати дастлабки ҳосил нишонасини кўрсатди.

— Қимматбаҳо меванинг Эрондан келтирилган “Акбарий Аҳмадий” навини маҳаллийлаштирганмиз, — дейди 68 ёшли уста боғбон. — Одатда, бу ўсимлик 7-8 йил атрофида мева бера бошлайди. Тўғри, писталаримиз даромад келтириши учун вақт керак, лекин тўла ҳосилга кириши билан чинакам хазинага айланади. Келгуси ойдан бу йилги ҳосилни бозорга чиқарамиз. Демак, рўзғоримизга яхшигина барака киради.

Қўни-қўшни, қариндош-уруғлар Т. Жалиловдан ўрнак олиб, ўз ҳовлиларига ноёб мева кўчатларини ўтқазишга киришган. Қайқи ҳадемай писта етиштирувчилар маҳалласи номини олса ажаб эмас.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ
(«Халқ сўзи»).

Фермер хорижга наъматак экспорт қилмоқда

Бухоро туманининг “Шуҳрат” фермер хўжалигидаги наъматакзорда етиштирилган ҳосилнинг бир қисми экспорт қилинмоқда. Ўтган йилда хўжалик 100 минг АҚШ доллари миқдоридаги доривор ўсимлик мевасини чет эллик буюртмачиларга етказди.

— Буюк аждодимиз Абу Али ибн Сино ёзиб қолдирганидек, наъматак инсон саломатлиги учун жуда фойдали, — дейди фермер Ғолиб Раҳматов. — Унинг таркиби витаминга, дармондориларга бой. Иммунитетни мустаҳкамлайди, қон босимини меъёрга келтиради. Шамоллаш йўлига ғов бўлади. Бу ўсимлик азал-азалдан халқ табобатида қўлланиб келинган. Замонавий тиббиётда ҳам касалликларни даволашда наъматкдан кенг фойдаланилади.

Фермернинг ўз тажрибасидан келиб чиқиб айтишича, бир гектар майдондаги наъматкдан ўртача 8-9 тонна ҳосил олиш мумкин. Табиийки, кўп нарса ўсимликни рисоладагидек парвариш қилишга боғлиқ. Ишга оқилона ёндашув ортидан бу ерда ҳосилдорлик йил сайин ошиб боряпти. Фермер хўжалиги жорий йилда хорижга 200 минг АҚШ доллари миқдорида наъматак меваси сотиш ниятида.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

Реклама

Инвестор ва қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 майдаги ПҚ-4343-сонли қарорига мувофиқ, шунингдек, ички ишлар органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчиларининг замонавий талаб даражасида ҳамда арзон уй-жойлар қуриш ва бериш ҳисобидан уларни рағбатлантириш ҳамда ижтимоий ҳимоя қилиш даражасини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 февралдаги ПҚ-118-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 октябрдаги 865-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Меҳржон кўчаси, 35-уй манзилида жойлашган қурилиш умумий майдони 1500 м² (0.15 га) бўлган бўш ер майдонида Тошкент шаҳар ички ишлар органлари ходимлари учун кўп қаватли тураржой биноларини тайёр ҳолда топшириш шартлари билан давлат-хусусий шериклиги асосида қуриш бўйича инвесторлар ва қурилиш ташкилотлари мутасаддилари ҳамкорликка таклиф этилади. Танловда қатнашиш истагида бўлган ташкилотлар вакилларидан қуйидагилар талаб қилинади:

1. Инвестор ёки қурилиш ташкилотининг низоми ва гувоҳномаси;

2. Ташкилий тузилиши бўйича маълумот;

3. Охирги уч йиллик (2022, 2023 ва 2024 йиллар) молиявий ҳолати тўғрисида маълумот (охирги уч йиллик “Ф-1” ва “Ф-2” ҳисоботлари, пудрат шартномалари, объектни фойдаланишга топшириш бўйича нусхалари илова қилиниши шарт);

4. Хизмат кўрсатувчи банк томонидан инвестор ёки қурилиш ташкилотининг қарздорлик мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома;

5. Солиқ инспекцияси томонидан инвестор ёки қурилиш ташкилотининг қарздорлиги мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома ҳамда ишчи ходимлари тўғрисида маълумот (солиқ ҳисоботида кўрсатилган ишчилар сони “миллий меҳнат уз” базасига тўғри келишини исботловчи ҳужжатларини илова қилиши шарт);

6. Инвестор ёки қурилиш ташкилотининг моддий-техника базаси ҳамда қурилиш техникаси ва кичик қурилиш механизмлари тўғрисида маълумот (техник паспортларнинг нусхалари бўлиши шарт);

7. Қурилиш режалаштирилган ҳудудга лойиҳа таклифи (бош режа, фасад, қаватлар режаси, “3D” кўринишда);

8. Қурилиш ишларини олиб бориш, унинг муддатлари ва қурилиш шартлари кўрсатилган тармоқ режаси (тасдиқланган кўринишда);

9. Қурилиши режалаштирилаётган кўп қаватли тураржой биноларидаги хонадонларнинг энг камида 50 фоизини ички ишлар органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчилари учун имтиёзли арзонлаштирилган нархларда сотиш бўйича ҳисоботи (тижорат таклифи);

10. Лойиҳаланаётган кўп қаватли тураржой биноси жойлашган ҳудудда қўшимча равишда алоҳида трансформатор, автомобиллар тураржойи, чиқинди ташлаш жойи ҳамда болалар майдончаси бўлиши шарт;

11. Таклиф учун лойиҳаланаётган кўп қаватли тураржой биносининг қаватлари ер майдони жойлашган туман бош архитектори билан маслаҳатлашган ҳолда келишилиши лозим;

12. Мазкур шартлар бўйича ҳамкорлик қилиш истагидаги инвестор ёки қурилиш ташкилотлари 2025 йилнинг 12 сентябрь кунига қадар танлов юзасидан қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Содиқ Азимов кўчаси, 87-уй,
Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси. Телефон: 71-206-44-08.

Қурилиши режалаштирилаётган объект манзили:
Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Меҳржон кўчаси, 35-уй манзилида жойлашган қурилиш умумий майдони 1500 м² (0.15 га) бўлган бўш ер майдони.

Ўзбекистонлик 85 нафар француз тили фани ўқитувчиси Францияда малака оширмоқда.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 842. 10 709 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.15 Топширилди — 23.35 1 2 3 4 5 6